



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 18 » dekabr

№ 849

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон ҳамда “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ПФ–6256-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг Адлия вазирлиги хузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг (кейинги ўринларда – Суд экспертиза маркази) **Тошкент вилояти ҳудудий бўлимини** ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Адлия вазирлиги Тошкент вилоят ҳокимлиги билан биргаликда **2026 йил 1 июнга қадар** Суд экспертиза марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Суд экспертиза марказининг Тошкент вилояти бўлимини **халқаро стандартлар билан уйғунлашган** O‘zDSt ISO/IEC 17025:2019 давлат стандарти талабларига жавоб берадиган бинога жойлаштириш ҳамда махсус мебель, компьютерлар, бошқа зарур техника ва инвентарлар, шунингдек, юқори малакали профессионал кадрлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

2. Истеъмол маҳсулотлари ва ичимлик суви таркибини аниқлаш ҳамда ушбу маҳсулотларни **хорижий давлатларга экспорт қилишда қулайликлар яратиш** мақсадида Суд экспертиза марказида истеъмол маҳсулотлари таркибида генетик модификацияланган организмлар (ГМО) мавжудлиги ва ичимлик сувининг таркибини аниқлашга қаратилган тадқиқотларни амалга оширувчи **Истеъмол маҳсулотлари ва ичимлик суви таркибини таҳлил қилиш лабораторияси** ташкил қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

2025 йил 1 ноябрга қадар Истеъмол маҳсулотлари ва ичимлик суви таркибини таҳлил қилиш лабораториясини юқори малакали профессионал кадрлар, шунингдек, Суд экспертиза марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан махсус мебель, компьютерлар, бошқа зарур техника ва инвентарлар билан таъминлаш;

2025 йил 1 октябрга қадар Суд экспертиза марказида генетик модификацияланган организмларни (ГМО) аниқлаш бўйича тадқиқотларни ўтказиш учун зарур бўлган услубиётларни ишлаб чиқиш. Бунда генетик модификацияланган организмларнинг (ГМО) санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига рухсат этилган даражада эканлигига алоҳида эътибор қаратиш;

Суд экспертиза маркази лабораториялари услубларининг Миллий аккредитация тизимида халқаро илмий-техник талабларга мувофиқлиги аккредитациядан ўтказиб борилишини ташкил этиш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2024–2026 йилларда суд экспертизаси соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар малакасини ошириш ва уларни хорижий давлатларга стажировкага юбориш;

2025 йил 1 декабрга қадар Суд экспертиза марказида суд-ахлоқшунослик экспертизасини, парфюмерия саноати маҳсулотларининг кимёвий таркибини ҳамда қурилиш материаллари тадқиқотларини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Суд экспертиза марказининг ҳудудий бўлимларида қуйидаги **экспертиза ва тадқиқот турларини босқичма-босқич жорий этиш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

2025 йил 1 октябрга қадар Суд экспертиза марказининг Навоий вилояти бўлимида Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияси ҳамда Суд-хатшунослик ва ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизалари;

2026 йил 1 ноябрга қадар Суд экспертиза марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида Суд-фонография, суд-ёнғин техника ва электротехника экспертизалари;

2026 йил 1 декабрга қадар Суд экспертиза марказининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимида Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияси ҳамда Суд-хатшунослик ва ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизалари.

Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда тегишлича юқоридаги бўлимларни халқаро стандартлар билан уйғунлашган O'zDSt ISO/IEC 17025:2019 давлат стандарти талабларига жавоб берадиган бинога жойлаштириш ҳамда махсус мебель, компьютерлар, бошқа зарур техника ва инвентарлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг тузилмаси **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда Республика суд экспертиза маркази ходимларининг чекланган умумий сони **192 нафар** (хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларни ҳисобга олмаган ҳолда), шундан бошқарув ходимлари **53 нафар**, суд экспертлари **116 нафар** ва мутахассислар **23 нафар** этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига Суд экспертизаси маркази тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони ва ажратилган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорга мувофиқ бюджетдан қўшимча харажатлар 2024–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Адлия вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Д. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) – 192 штат бирлиги, улардан бошқарув ходимлари – 53 штат бирлиги, суд экспертизаси – 116 нафар, мутахассислар – 23 нафар. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони нормативлар бўйича белгиланади. Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассис ва олимлар ҳамда Марказ ва унинг лабораторияларидаги асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш учун мутахассислар шартнома асосида қўшимча равишда жалб қилиниши мумкин. Марказнинг Суд-экспертиза илмий-тадқиқот институти ходимлари мавжуд штатлар доирасида назарда тутилмаган.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2012 йил 14 ноябрдаги 321-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 30 апрелдаги 131-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 20 апрелдаги 338-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 2-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарорига 4-илованинг 44-банди.

